

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

СОБИРОВА ГУЗАЛ НАИМОВНА

**ЖИГАР НОАЛКОГОЛ ЁҒ ХАСТАЛИГИНИ ДАВОЛАШНИНГ
МЕТАБОЛИК, ГЕНЕТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Собирова Гузал Наимовна

Жигар ноалкогол ёғ хасталигини даволашда метаболик, генетик ва функционал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш ... 3

Собирова Гузал Наимовна

Оптимизация патогенетической терапии неалкогольной жировой болезни печени с учетом метаболических, генетических и функциональных изменений..... 25

Sobirova Guzal Naimovna

Optimization of pathogenetic therapy of nonalcoholic fatty liver disease taking into account metabolic, genetic and functional changes 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

СОБИРОВА ГУЗАЛ НАИМОВНА

**ЖИГАР НОАЛКОГОЛ ЁҒ ХАСТАЛИГИНИ ДАВОЛАШНИНГ
МЕТАБОЛИК, ГЕНЕТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1DSc/Tib2 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг www.tma.uz ва ҳамда «ZiyoNet» ахборот - таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Аляви Анис Лютфуллаевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хамраев Аброр Асрорович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Плотникова Екатерина Юрьевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухамедов Рустам Султанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Индже университети (Жанубий Корея)

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил “__” _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Докторлик (Dsc) диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел.: (+99871) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Б.Х. Шагазатова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Л.Т. Даминова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жигар ноалкогол ёғ хасталиги (ЖНЁХ) гепатологияда энг оғир касалликлардан бири бўлиб, аҳолининг меҳнатга лайоқатли катта қисмини шикастлаб, соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади¹. Жаҳон статистика маълумотларига кўра 15-20 фоиз ЖНЁХга чалинган беморларда (популяциянинг 3-5 фоиз) жигар циррози ва жигар гепатоцелюляр карциномасига (ГЦК) олиб келадиган ноалкогол стеатогепатитлар (НАСГ) аниқланган.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат тизими тубдан ўзгартирилди, шу ўринда аҳолининг орасида жигар касалликларини тарқалишини камайтириш, касалликни ташхислаш, даволашнинг замонавий тиббий воситалари ва самарали усуллари амалиётга тадбиқ этилмоқда. Амалга оширилган тадбирларнинг натижасига кўра “аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олиш, жумладан жигарнинг вирусли, токсик, аутоиммун ва метаболик хасталикларига чалинган беморларни ўз вақтида аниқлаб, эрта ташхислаш ва уни тезкор профилактика қилиш бўйича муайян даражадаги илмий ва амалий ютуқларга эришилди².

Жаҳонда жигарнинг метаболик касалликлари билан хасталанган беморларни ташхислаш ва самарали даволаш, унинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, шу жумладан касалликни генетик аспектларини ўрганилмоқда. Турли мамлакатлардаги текширувлар ЖНЁХ наслдан наслга ўтишини аниқлашнинг анъанавий усуллари натижалари бирдек эмас, бу эса мустақил генетик хавф омилларини аниқ ажратиш олиш учун генетик-молекуляр тадқиқотлар ўтказиш долзарб бўлишини кўрсатилмоқда. ЖНЁХ патогенезига жалб этилган номзод генлардан бири – PNPLA3 бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда PNPLA3/148M ЖНЁХ жадал кечишининг мустақил генетик предикторлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд, бу назорат гуруҳидан 3,3 марта кўплиги ва мазкур ген ташқи омиллардан (семириш, алкоголь истеъмол қилиш) қатъий назар жигар циррози шаклланишида ва ГЦК айланишида иштирок этиши исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3923-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастури амалга оширишнинг асосий йуналишлари тўғрисидаги»ги Фармони ва 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹ Bertrand J.B., Lefevre H., Prevot S., Perlemuter G. Nonalcoholic fatty liver disease in a severely obese adolescent. An arguable liver biopsy// Arch Pediatr. 2011; 18:62–65.

² www.minzdrav.uz/documentation/detail.php

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³.

ЖНЁХ патогенези тадқиқига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан University of Texas Southwestern Medical Center (Даллас, АҚШ), University of Tübingen (Тюбинген, Германия), Univesita degli Studi di Milano (Милан, Италия), Kyoto University Graduate School of Medicine (Киото, Япония), Institute of Medical Research A Lanari-IDIM (Буэнос-Айрес, Аргентина), Kaohsiung Medical University (Гаосюн, Тайвань), University of Michigan (Мичиган, АҚШ), University of Dundee (Данди, Буюк Британия), Institute of Molecular Bioscience (Грац, Австрия), Institut Cochin (Париж, Франция), Ocean University of China (Кинг Дао, Хитой), Биорганик кимё институти ҳамда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

ЖНЁХгининг этиопатогенези ва касалликнинг клиник кечиши хусусиятларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: Жанубий-Шарқий Осиё, Лотин Америкаси ва Ғарбий Европа аҳолиси ичида PNPLA3 гени патологик аллели билан гепатоцитларнинг яллиғланиш маркерлари бўлган аланинаминотрансфераза ва аспартатаминотрасфераза (АлАТ и АсАТ) кўпайиши ўртасида боғлиқлиги исботланган (Institute of Molecular Bioscience, Австрия; Ocean University of China, Хитой; Institute of Medical Research A Lanari-IDIM, Аргентина); Италияликларда патологик полиморфизмнинг фақат АлАТ даражаси кўпайиши билан боғлиқлиги, Финляндияликларда фақат АсАТ даражаси кўпайиши билан боғлиқлиги аниқланган (Univesita degli Studi di Milano, Италия); афроамерикаликлар, европалик америкаликлар, немислар ичида олиб борилган тадқиқотларда геннинг аминотрансферазалар билан боғлиқлиги мавжуд эмаслиги аниқланган (University of Texas Southwestern Medical Center, АҚШ, University of Tübingen, Германия, University of Dundee, Буюк Британия, University of Michigan, АҚШ, Institute of Molecular Bioscience, Австрия, Institut Cochin, Франция); турли этник гуруҳларда муайян хасталик билан генетик боғлиқликни излашга йўналтирилган тадқиқотлар битта этник гуруҳда олинган натижаларни бошқа популяцияларга эҳтиёткорлик билан кўчириш зарурлигини англатадиган «Ethnic-Specific Genetic Associations» феномени исботланган (Kyoto University Graduate School of Medicine, Япония, Kaohsiung Medical University, Тайвань).

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.journal-of-hepatology.eu, www.ncbi.nlm.nih.gov, www.nature.com, www.sciencedirect.com, www.genetests.org, www.mdpi.com, www.hgmd.cf, <https://zfin.org>, <https://ghr.nlm.nih.gov/gene/PNPLA3>, <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/gene/80339> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Дунёда ЖНЁХни даволаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мазкур хасталикнинг ривожланишида цитокинлар профилини, эндотоксемия жараёнлари, сафро кислоталарининг энтерогепатик рециркуляцияси ва ичак микробиоценози ҳолатини аниқлаш; касалликда жигар фаолиятини тиклаш учун мукаммаллаштирилган даволаш усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖНЁХга оид муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган илмий тақиқотлар мазкур масалага тизимли ёндашиш билан изоҳланган. Даволашда хавф омилларини бартараф этиш, инсулинорезистентлик ва гиперлипидемияни фармакологик тиклаш, потенциал гепатопротектив хусусиятга эга фармакологик препаратларни қўллашни тавсия этилган (Антоненко О.М., 2013, Вялов С.С., 2013, Маев И.В., 2011). Европа жигарни ўрганиш жамияти ва Америка гастроэнтерологлари ассоциациясининг даволаш стандартларида цитопротекторларни (гепатопротекторлар) тайинлаш кўзда тутилган (Valmer M.L., 2009, Kitamoto T., 2013). Гепатопротекторларга дори воситалари реестрига киритилган ва Россия Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган расторопша препаратлари, адеметеонин, урсодезоксихол кислотаси (УДХК), эссенциалли фосфолипидлар кирган. Етакчи мутахассис-олимлар (Satapathy S.K., 2007, Du J., 2014) келтирган маълумотларга кўра, НАСГда пентоксифиллинни тайинлаш мазкур патологияни даволашда устувор ҳисобланган. Бирок, мазкур препарат бўйича исбот базаси мавжуд тадқиқотлар сони нисбатан камлиги туфайли ҳозирча препаратни ЖНЁХга чалинган беморларни даволаш стандартларига киритишга йўл қўйилмаган ва бу ҳолат ушбу йўналишда тадқиқотларни давом этириш зарурлигини кўрсатилган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларида мавжуд адабиётларида кўплаб тиббий йўналлишидаги илмий ишлар амалга оширилганлиги кўрсатилган. Уларда ЖНЁХга чалинган беморларга, шу жумладан ичак микрофлорасини тиклаш учун препаратлар тайинлаш зарур кўрсатилган (Каримов М.М., 2016, Ҳамрабаева Ф.И., 2013).

Сўнгги пайтларда ЖНЁХга чалинганда патологик ген мутациялари мавжудлиги аниқланди, бу янги аралаш даволаш чораларини излашни тақозо этади, чунки бундай беморларда клиника, патогенез ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари бор ва улар етарлича тадқиқ қилинмаган. Ушбу ва унга ўхшаш тадқиқотлар диссертация иши учун илмий методологик асос бўлиб хизмат қилган. Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, гарчи ҳозирда ЖНЁЖ муаммоси илмий адабиётда кўп ёритилган бўлишига қарамай, ўзбек миллатига мансуб беморлардаги патологик полиморфизмга боғлиқ ҳолда хасталикни самарали даволашнинг патогенетик механизмлари ва усуллари илмий тадқиқот учун алоҳида мавзу сифатида танланмаган.

Тадқиқот диссертация бажарилган олим таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация

илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг АДСС 15.4 «Жигар ноалкогол ёғ хасталигини унинг оксидатив стресс, эндотоксемия, ичак дисбиозининг ва сафро кислоталаринг энтерогепатик рециркуляциясининг бузилишларидан ташкил топган ривожланиш омилларига, таъсир этишга асосланган ва хасталикнинг генетик предикторларини ҳисобга олган ҳолда даволашнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЖНЁХга чалинган ўзбек миллатига мансуб беморларда PNPLA3 генининг патологик аллели такрорланишига қараб лигнинли энтеросорбент ва пентоксифиллиндан фойдаланган ҳолда даволашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек миллатига мансуб беморларда ЖНЁХ ривожланишининг маркери сифатида PNPLA3 генининг полиморф маркерларининг аллеллари ва генотиплари учрашини аниқлаш;

генетик маркерлар ва цитокинлар профили кўрсаткичлари, эндотоксемия жараёнлари ва азот оксиди метаболизми ўртасида боғлиқликни аниқлаш;

стеатогепатоз (СГ) ва НАСГга чалинган беморларда сафро ҳосил бўлиши жараёнлари, сафронинг биокимёвий таркиби, сафро кислоталарининг (СК) энтерогепатик рециркуляцияси ва нажас экскрецияси каби жигарнинг функционал параметрларига PNPLA3 гени полиморфизмининг таъсирини баҳолаш;

PNPLA3 гени полиморфизмининг турли вариантларида СГ ва НАСГга чалинган беморлардаги цитолитик ва холестатик жараёнларга ичак микробиоценози ҳолатининг таъсирини баҳолаш;

PNPLA3 генининг G аллели тарқатувчиси бўлган ва ЖНЁХга чалинган беморларни лигнинли энтеросорбент ва пентоксифиллин билан даволашнинг таққослама самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида PNPLA3 генининг G патологик аллели тарқатувчиси бўлган ЖНЁХга чалинган ўзбек миллатига мансуб 200 та бемор танлаб олинган, шулардан 125 тасида СГ ва 75 таси НАСГ босқичида бўлган.

Тадқиқотнинг предмети асосий биокимёвий кўрсаткичларни миқдор жиҳатдан аниқлаш, PNPLA3 генининг полиморф вариантларини генотиплаштириш учун вена қони ва зардобини; сафро, нажас массаси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, биокимёвий, микробиологик, инструментал, генетик, статистик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор PNPLA3 генининг патологик гомозигот GG полиморфизми ўзбек миллатига мансуб ЖНЁХга чалинган беморлар ўртасида боғлиқлиги аниқланди;

ЖНЁХга чалинган ва PNPLA3 гени G/C полиморф маркёрларининг турли генотиплари тарқатувчиси бўлган беморлардаги клиник аломатлар ва метаболизм бузилишлари аниқланган;

ЖНЁХга чалинган ўзбек миллатига мансуб шахсларда сафро ҳосил бўлиши жараёнлари кўрсаткичлари, сафронинг колоид-соллюбизацион хусусиятлари, сафронинг энтерогепатик рециркуляцияси ва СКнинг нажас билан экскрециясининг PNPLA3 гени G/C полиморф маркёрларининг турли генотиплари тарқатувчиси бўлиш билан корреляцион боғлиқлиги исботланган;

ЖНЁХга чалинган беморларда PNPLA3 генининг полиморфлигига қараб йўғон ичак микрофлораси ўзгаришининг дисбиотик ўзгариши намоён бўлиши билан гепатоцитлардаги цитолитик холестатик жараёнлар даражаси ўртасида ижобий корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

PNPLA3 генининг G аллели тарқатувчиси бўлган ва НАСГга чалинган беморларда дисбиоз синдромини, эндотоксемия ва яллиғланиш жараёнларини коррекция қилиш учун лигнинли энтеросорбент ва пентоксифиллинни комплекс қўллаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек миллатига мансуб шахсларда ЖНЁХ ривожланиши хавфи PNPLA3 гени GG полиморфизми борлиги билан боғлиқлиги исботланган;

ЖНЁХга чалинган беморларда PNPLA3 генининг G патологик аллели борлиги беморларда касаллик ишонарли даражада агрессив шаклда кечиши аниқланган;

PNPLA3 генининг патологик полиморфлиги бор ЖНЁХга чалинган беморлар учун ҳаёт тарзини ўзгартириш ва мунтазам тиббиёт мониторингини (камида ҳар 6 ойда 1 мартта) ўз ичига олган касаллик асоратларини олдини олиш муолажаларни ўз ичига олган тавсиялар ишлаб чиқилган;

PNPLA3 гени полиморфизмининг патологик G аллели бор ЖНЁХга чалинган беморларни даволашга йўғон ичакдаги дисбиотик жараёнларни самарали тиклаш учун лигнинли энтеросорбентдан фойдаланиш, эндотоксемия камайтириш ҳамда жигардаги цитолитик ва холестатик жараёнларни чеклаш мақсадида пентоксифиллиндан фойдаланишдан иборат бўлган комплекс усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан туғрилиги, ЖНЁХ билан касланган бемор сонининг етарли эканлиги билан асосланган, шунингдек, кенг қамровли клиник, биокимёвий, диагностик, генетик, микробиотик кўрсаткичларга статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти номзод ген полиморф маркёрларининг ЖНЁХ ривожланиши генетик хавфини оширувчи аллелли вариантларини аниқлаш касаллик кечишини прогноз қилишнинг диагностик усулларини ишлаб чиқиш учун замин яратади ва тиббий-генетик тадқиқот натижалари

ЖНЁХни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, касаллик ривожланишини олдини олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек миллатига мансуб беморларда ЖНЁХ учраши юқорилиги аниқланган бўлиб, бу жигардаги цитолитик ва холестатик жараёнлар бузилиши орқали, эндотоксемия, йўғон ичакдаги дисбиотик ўзгаришлар, сафро ҳосил бўлиши жараёнлари бузилиши орқали намоён бўлади, булар, ўз навбатида, жигар тўқималари кўшимча зарарланишига ва касаллик янада кучайишига олиб келади ва буларнинг барчаси касалликни эрта ташхис қилиш ва даволаш зарурлигидан далолат беради, бу касаллик кучайиб кетишини ва асорати қолишини олдини олиш имконини беради ва ЖНЁХ ривожланишининг патоген механизмларига самарали таъсир қилиш учун базис муолажа билан биргаликда лигнинли энтеросорбент ва пентоксифиллиннинг цитокинга қарши препаратини қўллашдан ижобий натижа кутилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЖНЁХга чалинган беморларда PNPLA3 гени GG полиморфизми мавжудлиги буйича олинган натижалар асосида:

«ЖНЁХга чалинган беморларда замонавий текшириш ва даволаш принциплари» услубий тавиянома ишлаб чиқалган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 01 апрелдаги 8н-г/24 маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЖНЁХга чалинган беморларда хавф гуруҳини аниқлаш ва PNPLA3 генининг патологик мутацияси бўлган беморларда эрта профилактика чора-тадбирларни такомиллаштириш имконини беради.

ЖНЁХли беморларда эрта тасхислаш омиллари такомиллаштириш ва терапевтик таҳлил қилиш усулларини мақбуллаштириш соғлиқни сақлаш амалиётида, жумладан Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази юқори технологияли лабораториясига ва Тошкент вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник-биокимёвий лаборатория, Абу Али Ибн Сино номли 1 сонли шаҳар касалхонасининг 2-чи терапия бўлими амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 25 ноябрдаги 8н3/18-сон маълумотномаси) Олинган натижалар асосида PNPLA3 гени полиморфизми мавжудлиги ўз вақтида ташхислаш, комплекс даволашнинг аниқ усулларини танлаш натижасида беморларнинг дори-дармонлар билан даволаш нархини 24 фойизга камайтириш, соғломлаштириш чора-тадбирларининг самарадорлигини 2 баробарга ошириш, беморлар ҳаёт сифатига ижобий таъсир этиш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та халқаро ва 14 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси буйича жами 76 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та

мақола, жумладан 15 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 188 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлариغا мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигар ноалкогол ёғ хасталигининг энг муҳим патологик омиллари ўрганлиганлиги даражаси**» деб номланган биринчи бобида адабиёт шарҳланган. Касаллик кучайишида ЖНЁХнинг энг муҳим патологик омиллари ўрганилганлиги даражаси таҳлил қилинган. ЖНЁХда генетик омилнинг роли алоҳида қайд этилган. Фармакотерапия масалалари исботли тиббиёт нуқтаи назаридан муфассал ёритилган. ЖНЁХда ичак микрофлорасининг роли алоҳида қайд этилган. ЖНЁХ фармакотерапиясига замонавий ёндашувлар акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Жигар ноалкогол ёғ хасталиги беморларни тадқиқотга кўшиш мезонлари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари келтирилади. Улар клиник материалнинг умумий тавсифини, тадқиқотнинг лаборатор-функционал, генетик ва статистик усуллари ўз ичига олган.

Эндотоксемия жараёнларини баҳолаш учун биз В.К.Островский формуласи (1983) бўйича интоксикациянинг лейкоцитар индексини (ИЛИ) ва В.В. Николайчикнинг (1991) М.И. Габрилевич (1998) томонидан модификация қилинган усули бўйича ўртача молекуляр пептидлар (ЎМП) даражасини тадқиқ қилдик. ФНО- α ва ИЛ-6 миқдори «Цитокин» МЧЖ (Санкт Петербург) асбобларидан фойдаланилган ҳолда иммуноферментли таҳлил усули билан аниқланди. Сафродаги сафро кислоталари спектри А.И.Ивановнинг (1973) усули бўйича юпқа қатламли хроматография усули асосида аниқланди. Ёуғон ичакнинг нормал микрофлораси А.З.Смолянская (1987), О.Н.Минушкиннинг бир қатор услубий тавсияларига мувофиқ тадқиқ қилинди. Ўта бактериал ўсиш синдромини (ЎБЎС) водородли тест билан нафас орқали аниқладик. Қорин бўшлиғи аъзолари «ALOCA» (Япония) аппаратида реал режимда 3,5 МГц частотали датчикдан фойдаланган ҳолда ультратовуш ёрдамида баҳоланди.

Генетик тадқиқотлар Diatom™ DNA Prep 200 («Лаборатория ИзоГен» МЧЖ (Москва, Россия) томонидан ишлаб чиқарилган) реагентлари тўплами

ёрдамида тоза қондан ДНК ажратиб олинган ҳолда амалга оширилди. PNPLA3 гени бўйича ДНК намуналари PNPLA3 гени бўлаклари қўшилган специфик олигонуклеотид праймерлардан фойдаланилган ҳолда типизация қилинди. ПЗР таҳлил GenePak™ PCR Core («Лаборатория ИзоГен» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган) ДНКни ПЗР амплификация қилиш учун реагентлар тўпламидан фойдаланилган ҳолда ўтказилди. ПЗР маҳсулотлар BseGI (BtsCI) (фермент) («Сибэнзим» ИИЧБда ишлаб чиқарилган) рестрикцияси эндонуклеазидан фойдаланган ҳолда РФУП – рестрикция фрагментлар узунлиги полиморфланди.

Материалларни статистик таҳлил қилиш учун STATISTICA - 6,0 статистик дастуридан фойдаланилди. Ўртача арифметик M , ўртача хатолик m ҳисобланади. Катталиклар орасида фарқ t Стъудент мезони. Фарқлар $P < 0,05$ бўлганда ҳаққоний деб топилди. Белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш учун Пирсон бўйича корреляцион таҳлил (r) ўтказилган.

Генотиплар частотаси тақсимланиши Харди-Вайнберг мувозанатига мувофиқлиги χ^2 (Пирсон) ($p > 0,05$ бўлганда мувозанат бажарилади) мезонидан фойдаланилган ҳолда баҳоланди. Аллеллар частотаси ва PNPLA3 гени полиморфизмлари генотиплари бўйича ЖНЁХ билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида фарқ ишонарлилиги наслдан наслга ўтишининг бир неча моделлари бўйича Пирсоннинг χ^2 мезонидан фойдаланилган ҳолда аниқланди. $p < 0.05$ бўлганда фарқ ишонарли ҳисобланди. Касаллик кучайишининг нисбий хавфини баён этиш учун имкониятлар нисбати (OR) ҳисоблаб чиқилди. OR=1 боғлиқлик йўқлигига ишора, OR > 1 ижобий боғлиқлик (патология ривожланиши хавфи катта), OR < 1 аллель ёки генотипнинг касаллик билан салбий боғлиқлик (патология ривожланиши хавфи кам) деб ҳисобланади. Ишонарли интервал (CI, confidence interval) – қийматлар интервали бўлиб, бу ораликда 95% эҳтимол билан кўриляётган параметрнинг кутиляётган қиймати ётади, айти пайтда бу OR.

Жами ЖНЁХ билан касалланган 200 та бемор текширилди, шулардан 125 таси СГ билан, 75 таси НАСГ билан касалланган ва 40 та соғлом кўнгилли иштирокчи. Тадқиқотлар РИ Т ва ТР ИАТМнинг гастроэнтерология бўлимида 2009 йилдан 2014 йилгача ўтказилди. Беморларни ёш тоифасига бўлиш шуни кўрсатдики, касаллик ўрта ва катта ёшда авжига чиқади.

ЖНЁХ билан касалланган беморларнинг антропометрик кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики (1-жадвал), тана оғирлигининг ўртача қийматлари, ТОИ, бел айланаси (БА) нормал кўрсаткичлардан юқори бўлган. СГ ва НАСГ билан касалланган беморлар антропометрик кўрсаткичларининг таққослама таҳлили шуни кўрсатдики, НАСГ билан касалланган беморларнинг тана оғирлиги кўрсаткичи СГ билан касалланган беморларникига нисбатан 12,5 фоизга ишонарли юқори бўлган.

ЖНЁХ билан касалланган беморларнинг антропометрик кўрсаткичлари $M \pm m$


Параметрлар	Тана оғирлиги, кг	ТОИ	БА, см	БА/Бўкса айланаси
СГ (п- 125)	96, 0 \pm 4, 5	30, 3 \pm 2, 3	108, 0 \pm 4, 5	0, 92 \pm 0, 4
НАСГ (п- 75)	108, 0 \pm 4, 8*	34, 5 \pm 3, 0	115, 0 \pm 4, 0	0, 97 \pm 0, 5

Эслатма: * - фарқ ишонarli ($p < 0,05$)

Тадқиқотларимиз натижалари бир неча бобда баён этилган. Диссертациянинг «**Жигар ноалкогол ёғ хасталиги билан касалланган беморлар қони зардобининг биокимёвий параметрлари кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида ЖНЁХ билан касалланган беморлар қонини даволашдан олдин биокимёвий тадқиқ қилиш натижалари кўрсатилган. Даволаш «цитоллиз» ва «холестааз» маркерларини, липидли спектрни, азот оксиди метаболизмини, эндотоксемия кўрсаткичлари ва цитокин профили кўрсаткичларини тадқиқ қилишни ўз ичига олади. ФНО α миқдори 50 фоиздан кўпга ортиши АлАТ, ГГТП ва эндоген интоксикация маркерлари фаоллиги ортиши билан ўзаро кучли боғлиқ бўлган қайд этилди.


Диссертациянинг «**Жигар ноалкогол ёғ хасталиги билан касалланган беморлар сафросининг биокимёвий таркиби ва ичак микробиоценози параметрлари**» деб номланган тўртинчи бобида СГ ва НАСГ билан касалланган беморлар сафросининг биокимёвий таркиби, шунингдек ичагидаги микрофлораси ҳолати тадқиқ қилинди. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ЖНЁХ билан касалланган беморларда дисбактериоз даражаси ортгани сайин қон сафросидаги биокимёвий кўрсаткичлар бузилиши кўпайиб боради. Бунда жигарда «цитоллиз» ва «холестааз» кўрсаткичлари ортиши билан бирга бифидо- ва лактобактериялар сони камаяди ҳамда йўғон ичакда шартли патоген флора пули кўпаяди. НАСГ билан касалланган беморларда «холестааз» кўрсаткичлари бузилиши билан ичак дисбиози ўртасидаги корреляцион боғлиқлик СГ билан касалланган беморлардагига нисбатан яққол эди.

Диссертациянинг «**Жигар ноалкогол ёғ хасталиги билан касалланган ўзбек миллатига мансуб беморларда PNPLA3 гени полиморфизми**» деб номланган бешинчи боби генетик тадқиқотларга бағишланган. ЖНЁХ билан касалланган барча беморларда ЖНЁХ патогенезига жалб қилинган номзод генлардан бири ҳисобланган PNPLA3 гени полиморфлиги борлиги текширилди. PNPLA3 гени q13.31 локусида 22 хромосомада жойлашган. rs738409 C/G (Ile148Met) полиморфизми цитозиннинг PNPLA3 гени нуклеотид изчиллигининг 10109 позициясидаги гуанинга алмаштирилишидан иборат, бу изолейцин метионин кодлаштирадиган оксилнинг 148 позициясидаги метионинга алмаштирилишига олиб келади.



1-расм. PNPLA3 генининг жойлашиши

Ўзбек популяциясида PNPLA 3 (rs738409) гени полиморфизми бўйича тадқиқотлар CC, CG ва GG полиморфизми вариантлари борлигини кўрсатди. PNPLA 3 (rs738409) полиморф маркерлари аллеллари ва генотиплари учраши тақсимланишини таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, ЖНЁХ билан касалланган беморларда G аллел кўпроқ ва C аллел камроқ учрайди (2-расм).



2-расм. PNPLA3 генининг РФУП таҳлил намуналарини генотиплаштириш

Соғлом кишилар гуруҳида PNPLA3 гени генотиплари учраши тақисмланиши Харди-Вейнберг ($\chi^2 = 0,33$; $df = 1$, $P = 0,57$) тақсимлашига мос келади (2-жадвал).

**ЖНЁХ билан касалланганлар ва соғлом кишилар ўртасидаги генетик
боғлиқликни статистик таҳлил қилиш натижалари**

Наслдан наслга ўтиш модели	Генотиплар	Ҳолатлар	Назорат	χ^2	P	OR	
						Қиймат	95% CI
Аддитив модель (χ^2 = [0,12], df = 1 чизикли трендлари учун Кохран-Армитадж тести)	C/C	31.5%	46%	4.82	0.03	0.54	0.24-1.22
	C/G	23.3%	32.4%			0.63	0.26-1.52
	G/G	45.2%	21.6%			2.99	1.21 -7.42
Рецессив модель (χ^2 test, df = 1)	C/C+C/G	54.8	78.4	5.84	0.02	0.33	0.13-0.83
	G/G	45.2	21.6			2.99	1.21 -7.42

PNPLA3 гени rs738409 полиморфизми аллеллари ва генотиплари учраши тақсимланишининг қиёсий таҳлили (мерос қолишининг аддитив модели бўйича Пирсон χ^2 мезони бўйича $p=0.03$ ва мерос қолишининг рецессив модели бўйича Пирсон χ^2 мезони бўйича $p=0.02$) соғлом кишилардаги кўрсаткичларга (21,6%) нисбатан беморларда GG монозиготлари учраши (45, 2%) статистика жиҳатидан аҳамиятли даражада кўп ортишини кўрсатди. PNPLA3 генининг GG генотиби тарқатувчиси бўлганларда ЖНЁХ кучайиши нисбий хавфи даражасини акс эттирувчи имкониятлар нисбати (OR) 2,99 ни (CI_{95%} 1.21 – 7.42) ташкил этди. Шундай қилиб, тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, ўзбек популяциясида PNPLA3 генининг GG генотиби (Met/Met) ЖНЁХ кучайиши билан боғлиқ.

Олинган натижаларни қиёслама таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, соғлом кишиларга нисбатан оддий стеатозли беморларда CG ва GG генотиплар ўртасидаги боғлиқлик бор, аммо статистик аҳамиятли даражада эмас. Шундай бўлса ҳам, соғлом кишиларга нисбатан ЖНЁХга чалинган беморлар ўртасида генотиплар тақсимланишининг статистик таҳлили GG ва НАСГ генотиплар ўртасида аддитив модель бўйича ($p<0,0001$, Кохран-Армитадж тести) ва рецессив модель бўйича ($p<0,0001$, χ^2 Пирсон тести) ишонарли боғлиқлик борлигини кўрсатди (3-жадвал).

Соғлом кишилар ва ЖНЁХга чалинган беморлар ўртасида генотиплар тақсимланишининг статистик таҳлили натижалари

Наслдан наслга ўтиш модели	Генотиплар	Ҳолатлар	Назорат	χ^2	P	OR	
						Қий-мат	95% CI
Аддитив модель ($\chi^2 = [0,12]$, $df = 1$ чизиқли тренд-лар учун Кохран-Армитадж тести)	C/C	8%	46%	18.78	>0,0001	0.10	0.02-0.50
	C/G	12%	32.4%			0.28	0.07-1.14
	G/G	80%	21.6%			14.50	4.14-50.82
Рецессив модель (χ^2 test, $df = 1$)	C/C+C/G	20%	78.4	20.53	>0,0001	0.07	0.02-0.24
	G/G	80%	21.6			14.50	4.14-50.82

Гуруҳ ичида олиб борилган таҳлиллар маълумотларига (4-жадвал) мувофиқ шу маълум бўлдики, GG генотипли беморларнинг «цитоллиз» ва «холестаз» маркёрлари фаоллиги даражаси анча юқори. ЖНЁХ билан касалланган беморлар гуруҳида АлАТ кўрсаткичлари ортиши нафақат СГбилан касалланган беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан, балки СС ва СG генотипларига эга беморлар гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан ҳам ишонарли юқори. Билирубин, ишқорли фосфотаза (ИФ) ва ГГТП кўрсаткичлари борасида ҳам худди шундай вазият кузатилди. Олинган маълумотларга мувофиқ G аллель мавжудлиги, айниқса гомозигот вариантда мавжудлиги ЖНЁХ билан касалланган беморларнинг гепатоцитларида цитолитик ва холестатик бузилишлар аломатларининг тўғридан-тўғри маркёри ҳисобланади.

Тадқиқ қилинаётган ген генетик полиморфизмининг ТОИ ва липид спектрга таъсирини гуруҳ ичида таҳлил қилиш G гени аллелининг ўзига хос таъсири сустроқ эканини кўрсатди. СГ ва НАСГга чалинган беморлар гуруҳларида G аллелли мавжудлиги билан ТОИ кўрсаткичи ўртасидаги қайд этилган фарқ статистика жиҳатидан аҳамиятли эмас эди. Шундай қилиб, PNPLA3 генининг мазкур аллели мавжудлиги доим ҳам ЖНЁХ билан касалланган беморларнинг липид спектри бузилиши маркери бўлмаслиги қайд этилди. СГга чалинган беморлар гуруҳида қон зардобда PNPLA3 гени полиморфизмига қараб ХС, зичлиги паст липопротидлар (ЗПЛП), зичлиги юқори липопротидлар (ЗЮЛП) ва УГ миқдоридаги бузилишларда статистик аҳамиятли фарқ қайд этилмади.

Турли PNPLA3 rs738409 генотипига эга ЖНЁХ билан касалланган беморларнинг тавсифи, (M±m)

Генотиплар	СГ			НАСГ			Назорат		
	CC	CG	GG	CC	CG	GG	CC	CG	GG
ТОИ	25, 0±2,0	25, 2±2,4	28, 2±3,6	27, 6±2,9	28, 4±3,7	30, 3± 3,0*	22, 5±2,5	21, 3±1,8	23, 6±2,0
АЛА Т	**32, 6±3,0 *	**35, 3±2,8*	**48,7 ± 3,3*	48, 8±2,6 *	69, 6±2,8 *	114, 2±4,8 *	16, 6±2,5	20, 4±3,0	28, 5± 1,9
АсА Т	14, 5± 1,7*	**16, 7±2,0	**22,5 ±2,8*	20,1± 2,3*	32,2± 3,7*	48,7± 4,8*	8,7±1 ,6	11,4± 1,4	14,8± 2,1
Били руби н	14,7± 0, 8	17,8± 1,6*	**22,0 ± 1,9*	18,6± 2,0*	24,5± 1,9*	32,3± 2,6*	12, 0± 0,8	13,9± 1,6	12,9± 1,7
ИФ	188,0 ±12,5 *	**265, 4±21,5 *	**322, 2±20,5 *	255,5 ±18,4 *	333,4 ±19,0 *	438,0 ±20,7 *	135,4 ±12,7	145,8 ±15,8	140,4 ±20,0
ГГТ П	**35, 6±2,1 *	**36,6 ±2,5*	**67,4 ±3,3*	66,5± 3,6*	78,6± 3,8*	135,4 ±8,9*	22,0± 2,7	24,8± 3,6	27,3± 2,7
ХС	5,9±0, 6	6,6±0,7	7,0±0,5	6,0±0, 9	6,9± 1,1	7,5±1, 3	4,0±0 ,9	5,5±0 ,7	5,8±0 ,8
ЗЮЛ П	1,5±0, 1	1,3±0,1	**1,2± 0,007	1,2±0, 07	1,1±0, 1	0,9±0, 1*	1,71 ± 0,3	1.68. ± 0,4	1,32 ± 0,2
ЗПЛ П	2,9±0. 4	3,0±0,5	3,5±0,8	3,4±0, 9	4,0±0, 6	4,6±0, 5	2,19 ± 0,6	3,3 ± 0,7	3,22 ± 0,8
УГ	1,7±0, 2	1,9±0,5	2,2±0,8	2,1±0, 3	2,2±0, 5	2,4±0, 2	1,44 ± 0,3	1,82 ± 0,6	1,73 ± 0,5

* - (p<0,05) назорат гуруҳига нисбатан фарқ ишонарли

** - (p<0,05) СГ ва НАСГга чалинган беморлар гуруҳига нисбатан фарқ ишонарли

НАСГга чалинган беморларда ҳам ХС, ЗПЛП даражаси кўтарилиши статистик ишонарли эмас эди. ЗЮЛП кўрсаткичига келинса, 30,08% (p < 0,05) GG генотипига эга НАСГга чалинган беморларда ЗЮЛП миқдори ишонарли камайиши қайд этилди.

Шундай қилиб, ўзбек миллатига мансуб шахсларда ЖНЁХ ривожланиши хавфи PNPLA3 гени G/C полиморф маркерининг G аллели

тарқатувчисилиги билан боғлиқ. С аллель, аксинча, ЖНЁХ ривожланиши хавфи камайиши билан боғлиқ. PNPLA3 генининг G патологик аллели тарқатувчиси бўлган ва ЖНЁХга чалинган беморларда С аллели тарқатувчиси бўлган беморлардагига нисбатан касаллик агрессиврок шаклда кечиши аниқ.

Тадқиқотларимиз натижалари патологик аллель билан эндотоксемия, эндоген дисфункция ($NO=r+0,55$), ($IL6=r+0,60$), ($ФНО\alpha=r+0,45$) кўрсаткичлари ўртасида боғлиқлик борлигини кўрсатди.

НАСГда G аллелли PNPLA3 гени полиморфизмининг патологик қиймати жигарнинг цитолитик ва холестатик зарарланиши аломатлари кучлироқ бўлишида, ичак дисбиози ва СК энтерогепатик рециркуляцияси даражасида намоён бўлади. PNPLA3 генининг G аллели тарқатувчиси бўлган НАСГга чалинган беморларда кузатиладиган йўғон ичакдаги дисбиотик бузилишлар ва СК нажас билан чиқиши кучайиши яллиғланиш олди цитокинлар кўплаб миқдорда ишлаб чиқарилишига, эндоген дисфункцияга, эндотоксемияга, бирламчи СК йўқотилиши оқибатида гепатоцитларга тушадиган функционал юк ортишига олиб келади, бу эса жигар янада зарар кўриши учун кучли “иккинчи зарба”га сабаб бўлади.

Диссертациянинг «**Даволаш динамикасида беморларнинг клиник-инструментал ва биокимёвий кўрсаткичлари**» деб номланган олтинчи бобида даволаш динамикасида СГ бор беморларни даволаш натижасида СК нажас экскрецияси миқдори камайгани кузатилди. PNPLA3 гени патологик аллели бор бўлган тақдирда, ЖНЁХ билан касалланган беморларда уларини даволаш таъсирида чакда нормал микрофлора тикланишини қониқарсиз деб баҳолаш мумкин.

Диссертациянинг «**Пентоксифилин ва энтеросорбентдан фойдаланганда PNPLA3 генининг G патологик аллели тарқатувчиси бўлган ноалкогол стеатогепатит билан касалланган беморларда қон зардоби, сафро, ичак микрофлорасининг клиник-биокимёвий параметрлари динамикаси**» деб номланган еттинчи бобида беморлар PNPLA3 гени полиморфизмига қараб икки гуруҳга бўлингани кўрсатилган: G аллели бўлганлар ва С аллели бўлганлар. УДХК 10-12 мг/кг дозада, альфа липоик кислота бир суткада 600 мг миқдорда тайинланди. Беморларга, шунингдек, ҳаёт тарзини соғломлаштириш тавсия этилди: 30 дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида юриш кўринишида жисмоний машғулотлар, углеводлар ва ҳайвон ёғларини истеъмол қилишни чеклаш, тўлиқ абстиненция.

НАСГга чалинган беморларда «цитоллиз» ва «холестаэз» кўрсаткичларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, АлАТ қиймати 40 фоизга ($p < 0, 05$), билирубина 16,1 фоизга ($p < 0, 05$), ИФ 13,5 фоизга ($p < 0, 05$), ГГТП 15,8 фоизга ва тимол намунаси кўрсаткичи 30,8 фоизга нормаллашган. Бироқ, PNPLA3 генининг мутациясига қараб ушбу кўрсаткичлар алоҳида-алоҳида таҳлил қилинганда бошқа манзара кузатилди. С тарқатувчиси бўлган НАСГга чалинган беморларда юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар камайиши ишонарли бўлган. Шу билан бирга, G

патологик аллели тарқатувчиси бўлган НАСГга чалинган беморларда АлАТ, билирубин, ИФ, ГГТП ва тимол намунаси кўрсаткичлари даволашдан олдин олинган худди шу кўрсаткичлардан ишонарли фарқ қилмаган.

НАСГда эндоген дисфункция – азот оксиди метаболитлари кўрсаткичлари тадқиқ қилинганда шу маълум бўлдики, 30 кунлик даволаш курси давомида қон зардобиде таркибиде NO_2 ва NO_3 миқдори ишонарли камайган. Аммо, агар С аллелли беморларда NO_2 миқдори камайиши 33,4 фоизга ($p < 0,05$) тенг бўлган бўлса, G аллелли беморларда бу кўрсаткич 33,4 фоизга ($p < 0,05$) тенг бўлган. Худди шундай, С аллели мавжуд бўлганда NO_3 миқдори камайиши 51,9 фоизни ($p < 0,05$), G аллели мавжуд бўлганда 38,5 фоизни ($p < 0,05$) ташкил этган. Шунингдек, НАСГга чалинган беморларда фақат азот оксиди метаболитлари камайиши ишонарли бўлган, С аллелли НАСГга чалинган беморларда эса камайиш мос тартибда 41,7 фоиз ($p < 0,05$) ва 64,9 фоизни ($p < 0,05$) ташкил этган. G аллели тарқатувчиси бўлган ва НАСГга чалинган беморларда азот оксиди метаболитлари камайиши статистик ишонарли бўлмаган. Бундан ташқари, С ва G аллели тарқатувчиси бўлган ва НАСГга чалинган беморлар даволанганидан сўнг метаболитлар миқдори статистик ишонарли бўлган, яъни мос тартибда 48,6 фоиз ($p < 0,05$) ва 69,2 фоиз ($p < 0,05$)).

ЖНЁХга чалинган беморларнинг қон зардобиде яллиғланиш олди цитокинлар миқдори динамикаси ўрганилганда худди шундай вазият кузатилди. Даволашдан олдинги СГда доим қайд этиладиган ИЛ-6 ва ШНО α миқдори ортиши соғлом кишиларнинг худди шундай кўрсаткичларидан фарқ қилмаган. Демак, бир ойлик даволаш курсидан кейин тадқиқ қилинаётган параметрларнинг ўзгариши статистик ишонарли тавсифга эга бўлмаган. Булардан фарқли ўлароқ, НАСГда қонда ўрганилаётган иккала цитокиннинг миқдори ишонарли ортиши қайд этилган. С аллели тарқатувчиси бўлган ва НАСГга чалинган беморлар динамикасида ИЛ-6 44,2 фоизга ($p < 0,05$) ишонарли камайгани қайд этилган бўлса, G аллели тарқатувчиси бўлган беморларда бу кўрсаткичнинг 19,8 фоизга камайиши ишонарли бўлмаган. Шунингдек, геннинг турли мутацияларида ИЛ-6 кўрсаткичларидаги фарқ ҳам ишонарли бўлгани қайд этилган, яъни 43,9 фоиз ($p < 0,05$). Бошқа цитокин – ШНО α тадқиқ қилинганда шу маълум бўлдики, даволашдан сўнг унинг миқдори кузатилаётган иккала гуруҳда 56,1 фоизга ($p < 0,05$) ва 38,5 фоизга ($p < 0,05$) ишонарли камайдди. Аммо, таққосланилаётган гуруҳларда ШНО α миқдоридаги фарқ ҳам ишонарли бўлган – 40,0 фоиз ($p < 0,05$).

ЖНЁХга чалинган беморларда даволашдан олдинги даврда ичак микробиоценози ҳолати таҳлил қилинганда шу маълум бўлдики, беморларнинг йўғон ичагида I, II ва III даражали дисбактериоз кўринишидаги турли даражали дисбиотик ўзгаришлар юз берган. НАСГга чалинган беморларда дисбактериоз кўрсаткичларини тадқиқ қилиш шуни кўратдики, PNPLA3 гени полиморфизмининг С ва G аллеллари мавжудлигига қараб даволаш натижаларида сезиларли фарқ бўлади. С

аллели тарқатувчиси бўлган ва НАСГга чалинган беморлар гуруҳида ичак микробиоценозининг нормал кўрсаткичлари тикланишида ижобий динамика қайд этилди. Хусусан, 3 даражали дисбактериозга чалинган беморлар сони 27,5 фоздан 5,6 фоизгача, 2 даражали дисбактериозга чалинганлар сони эса 52,5 фоиздан 21,4 фоизга қисқарганлиги аниқланган. Биринчи ва иккинчи даражали дисбактериозга чалинган беморлар ҳисобига 1 даражали дисбактериозга чалинган беморларнинг ҳам нисбий, ҳам мутлақо сони худди шу тарзда ошди. Шунингдек, беморларнинг 15,0 фоизида дисбактериоз аниқланмаганлиги қайд этилди. Копрограммаларда лакто- ва бифидобактериялар, эшерехиялар сони ортгани ва, шу билан бирга, патологик микрофлора адекват камайгани қайд этилди. Шунингдек, G патологик аллели тарқатувчиси бўлган, НАСГга чалинган беморларда бошқача манзара кузатилди. Учинчи даражали дисбактериозга чалинган беморлар сони фақат 7,1 фоизга, иккинчи даражали дисбактериозга учраганларнинг сони эса 7,3 фоизга қисқарди. Биринчи даражали дисбактериозга чалинган беморлар сони 14,2 фоизга ошди. Бироқ, ичак нормобиоценозига чалинган беморлар қайд этилмади. Бу беморларнинг копрограммаларида нормал микрофлора вакиллари – нормал фаоликда бўлган лакто- ва бифидобактериялар, эшерехиялар микдори ўртача ортгани қайд этилди. Туруш замбуруғлари, протей, стафилококклар ва гемолитик микрофлора кўринишидаги патоген микрофлора вакиллари сони ҳали етарлича юқори даражада қолган.


PNPLA3 генининг патологик полиморфизми шароитида НАСГга чалинган беморларни стандарт базис даволаш жигар ва ичакнинг бузилган биокимёвий микробиологик кўрсаткичлари нормаллашувига ёрдам бермайди

PNPLA3 генининг G патологик аллели тарқатувчиси бўлган, НАСГга чалинган беморларни базис даволаш қон зардобининг ўрганилаётган параметрлари ишонарли нормаллашувига олиб келмади, шундай экан кейинчалик икки ой давомида ичига 800 мг/суткада пентоксифиллин ва базис муолажа билан бирга икки ой давомида «Зеротокс» лигнинли энтеросорбент (0,35 граммли капсулалар, А.Султанов номли ЎзКФИТИда ишлаб чиқарилган, бир кунда 3 марта 2 капсуладан) берган ҳолда, бу беморларни амбулатор даволашда давом этдик.

НАСГга чалинган беморларда «цитоллиз» ва «холестаэз» кўрсаткичларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида базис муолажани давом эттириш ошган «цитоллиз» ва «холестаэз» кўрсаткичлари нормаллашувига олиб келмади. Беморларнинг асосий гуруҳида пентоксифиллин ва «Зеротокс»дан фойдаланиш шуни кўрсатдики, текширувнинг назорат муддатида беморларда «цитоллиз» ва «холестаэз» кўрсаткичлари (АлАТ 60 га, АсАТ икки мартадан кўпга, билирубин 42,2 фоизга, ИФ 68,1 фоизга, ГГТП 52,5 фоизга, тимол намунаси икки мартадан кўпга) ишонарли камайгани ($p < 0,05$) қайд этилди.

НАСГга чалинган беморларнинг қони зардобидидаги эндотоксемия кўрсаткичларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида икки


ой кузатилгандан сўнг статистик аҳамиятли ўзгаришлар бўлмади (3-расм). Беморларнинг асосий гуруҳида кузатувнинг назорат муддатида эндоген токсемия кўрсаткичлари ИЛИ қиймати 36,4 фоизга ($p < 0,05$) ва ЎМП 27,8 фоизга ($p < 0,05$) пасайиши кўринишида камайгани қайд этилди.



3-расм. Даволаш динамикасида НАСГга чалинган беморларда эндоген интоксикация кўрсаткичлари динамикаси (шартли белги)

